

ФАРФИЕВ Бахрамджан Атхамджанович
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Дин психологияси ва педагогика кафедраси
профессори,
социология фанлари доктори (DSc)

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

КАЧЕСТВЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ – ОСНОВА РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА

QUALITY EDUCATION IS THE BASIS FOR SOCIAL DEVELOPMENT

Аннотация: Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан яхши маълумки, жамият тараққиётини амалга оширишда моддий ресурслар билан биргаликда маънавий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур омиллар орасида таълим институтининг ўрни алоҳида ўзига хосдир. Таълим соҳаси мутахассисларининг касбий малакаси юқори бўлса, давлат институти томонидан уларнинг ижтимоий мавқеларини юқори кўтаришига қаратилган сиёсатни амалга ошириш жараёни жамиятни барқарор тарзда ривожланишига хизмат қилади. Мазкур илмий мақолада Ўзбекистонда таълим институтининг ҳолати ва истиқболлари тадқиқ этилди. Бунда таълимдаги муаммолар хусусиятлари яқин ўтмишдаги ҳодиса ва воқеаларга таянган ҳолда очиб берилган.

Таянч иборалар: институт, таълим, ижтимоий мавқе, ренессанс, ислоҳот, барқарор, дин, университет, интеграция, тараққиёт.

Аннотация: Опыт развитых стран свидетельствует о том, что наряду с материальными ресурсами важную роль в развитии общества играют и духовные факторы. Среди этих факторов роль образовательных учреждений особенно велика. При высокой профессиональной квалификации специалистов в сфере образования, реализация государством политики, направленной на повышение их социального статуса, будут способствовать устойчивому развитию общества. В данной научной статье рассматриваются состояние и перспективы развития образовательных учреждений в Узбекистане. В статье на основе анализа последних событий и фактов раскрываются

особенности проблем в сфере образования.

Ключевые слова: институт, образование, социальный статус, возрождение, реформа, стабильность, религия, университет, интеграция, развитие.

Abstract: Experience in developed countries demonstrates that, alongside material resources, spiritual factors also play a significant role in societal development. Among these factors, the role of educational institutions is particularly significant. With highly qualified educational specialists, government policies aimed at enhancing their social status will contribute to the sustainable development of society. This research article examines the current status and development prospects of educational institutions in Uzbekistan. Based on an analysis of recent events and facts, the article reveals challenges in the field of education.

Key words: institution, education, social status, revival, reform, stability, religion, university, integration, development.

КИРИШ

Инсоният тарихининг турли давларига нигоҳ ташласак, исбот талаб қилмайдиган шундай ҳолатга дуч келамиз: жамият аъзоларининг аксарият қисмини саводхонлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ушбу жамият ўз ривожига бардавом бўлади. Бунга мисол сифатида мамлакатимиз тарихида кечган икки Ренессанс ҳодисасини келтириш мумкин. Бу даврда таълим тизими анча самарали фаолият кўрсатган. Ғарбдаги илк университетлар ташкил топишдан анча илгари ҳудудларимиздаги мадрасаларда толиби илмларга фойдали билимлар берилган. Буни хатто, Ғарб олимлари ҳам эътироф этишган. Хусусан, таникли немис социологи Макс Вебер ўзини дунёга танитган машҳур асари – «Протестант ахлоқи ва капитализм руҳи»да қуйидагиларни таъкидлайди: “Турли-туман олий ўқув юртлари, жумладан, биздаги мавжуд университетлар ва академияларни эслатадиганлари турли халкларда фаолият олиб борганлар (Хитой, ислом мамлакатлари)» [3; 46].

АСОСИЙ ҚИСМ

Фикримизча, Макс Вебер бу ерда ислом мамлакатларидаги университетлар ва академияларни деб, Мовароуннаҳрдаги

мадрасаларни назарда тутаяпти. Ҳақиқатан ҳам, юртимизда ҳукмдорларимизнинг ёшларни илм олишларига қаратилган сайъ-ҳаракатлари ўз даврида кўҳна Мовароуннаҳрнинг ижтимоий тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Аммо, XIX асрга келиб мамлакатимизни хонлик ва амирликка ажралиб кетиши боис илм-фанга бўлган эътибор анча сусайди. Пировардида, жамиятда ўқимишли кишиларнинг салоҳияти кескин даражада тушиб кетиши оқибатида мамлакатимизда маҳаллийчилик мафкураси пайдо бўлди ва бу салбий ижтимоий ҳодиса XIX асрнинг 60-йилларида чор Россиясининг мустамлакасига айланишимизга ўзининг «муносиб ҳиссаси»ни кўшди.

Аммо халқимизнинг фидойи кишилари – айниқса, жадидчилар аҳолимизни, авваламбор, ёшларни ислом илмлари билан параллель тарзда замонавий дунёвий фанларни ҳам чуқур ўқитиш асосидагина қолоқликда қолаётган Туркистон элини тараққий эттириш мумкинлигини англаб етдилар. Мазкур масалани ҳал этиш учун улар ўз шахсий бойликларини умуммиллат манфаати йўлига бажонидил сарф қилдилар. Жумладан, жадидчилар жамиятнинг камбағал қатлами болалари учун ўз ҳисобларидан умумтаълим мактабларини ташкил этишга эришдилар ва уларда эски усулдаги мактаблардан фарқи ўлароқ дунёвий фанларнинг чуқур ўқитилишига алоҳида урғу бердилар. Европа таълим тизимининг Туркистон ўлкасининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти учун муҳим аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, жадидчилик ҳаракати раҳбарлари «Кўмак» жамғармасига асос солдилар.

Жамғарманинг бош мақсади – Туркистонда истиқомат қилувчи иқтидорли ўғил-қизларни излаб топиш, уларга Ғарбдаги нуфузли университетларида таҳсил олиб, олий маълумотга эга бўлишлари учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш эди. Ушбу мақсадга эришиш йўлида Туркистоннинг илғор кишилари ўз фуқаролик миллий бурчларини англашнинг юксак даражасини намоён қилиб, шахсий жамғарларини «Кўмак» ҳисобига беғараз ҳадя қилдилар. Жадидчилик ҳаракатининг бундай саховатпеша ҳаёт тарзи бизнинг замонамиз кишилари учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Аммо шундай олийжаноб, ҳалол, камтарин ва саховатпеша аجدодларнинг меросхўри бўлишимизга қарамай яқин вақтгача мамлакатимиз ОЎЮ ларига ёшларни ўқишга қабул қилишда жуда жиддий қонунбузарчилик ҳолатлари етарли даражада учраб турди. 1994 йилдан бошлаб олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини тест синовлари асосида жорий қилиниши дастлабки йиллардаёқ ўз самарасини намоён қилди. Аммо кейинчалик бу илғор янгиликни олий таълим тизимида раҳбарлик қилаётган бир ҳовуч нопок кишиларнинг ўз ҳудбин ва қабих мақсадларига эриштириш учун мослаштиришга қаратилган ҳаракатлар қулоч ёза бошлади.

Виждонини арзон нархга сотган айрим профессор-ўқитувчилар эса уларнинг бу жирканч мақсадларини амалга ошириш учун ўз «хизмат»ларини таклиф этишди ва махсус «бункер»ларда ўтириб, етим-есир ёшларнинг ҳақиқа хилват қилган ҳолда бой-бадавлат фуқароларнинг фарзандларини тест вазибаларини катта профессионаллик асосида ишлаб беришди. Натижа эса шунга мувофиқ кўринишда бўлди: қобилиятли ва истеъдодли ёшлар четда қолиб кетиб, уларнинг ўрнига эса билим савияси ниҳоятда паст бўлганлар талабалikka қабул қилинди.

Ҳодисанинг энг ачинарлиги шундаки, бу профессор-ўқитувчилар янги ўқув йили бошланиши билан ўз маърузаларида талаба-ёшларга тўғрисиўз, ватанпарвар, маънавий баркамол инсонлар бўлиб етишишлари зарурлиги ҳақида «таъсирчан» панду насиҳатлар қилишни бошлашди. Аммо улар бу даврга келиб, ёшлар онгида «бизнинг жамиятда ёлғон гапирмасдан, таъмагарчилик қилмай туриб олий маълумотга эга бўлишнинг имкониятлари чекланган экан» деган ишончсизликни ифода этувчи тасаввурни шакллантирувчи «меҳрибон устоз»ларга айланишга улгуришган эди.

2017 йилдан бошлаб олий таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар бугунга келиб ўзининг ижобий натижаларини беришни бошлади ва бунинг натижасида ҳозирги кунда мамлакатимизда салоҳиятли олий таълим тизими шаклланди. Бу жараёнда авваламбор, олий ўқув юртларига талабаларни холислик ва шаффофлик асосида қабул қилиш тўлиқ тарзда тартибга тушгани энг аҳамиятли воқеадир.

Зеро, талабаликка муносиб ёшларни ўқишга нисбатан муносабатлари ҳам оқилоналик касб этади ва улар билан машғулоти олиб бориш эса профессор-ўқитувчиларга касбий илҳом бағишлайди.

Албатта, бундай шароитларда олий ўқув юртларида малакали мутахассисларни тайёрлаши жараёнлари табиий ҳодиса сифатида гавдаланади. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юбилей анжумани – 80-сессиясида сўзлаган нутқида мамлакатимизнинг бугунги кунда эришаётган ютуқларида таълим ва илм-фан соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг ўрни ўзига хослигини алоҳида таъкидлаб ўтди. «Сўнгги йилларда Ўзбекистонда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартиришга эришдик. Бунга, аввало, таълим ва илм-фан соҳасини ўзгартириш, инновацион тармоқлар ва технологик саноат корхоналарини барпо этиш, «яшил» энергетика ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш ва натижада миллионлаб иш ўринлари яратиш орқали эришмоқдамиз» [1].

Давлатимиз раҳбарининг мазкур анжуманда мактабгача таълим, олий таълим муассаларининг ёшларни кўпроқ даражада қамраб олиш динамикаси ҳақида ҳам муҳим статистик маълумотларни бергани ҳам эътиборга сазовордир. «Мамлакатимизда мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошди, ёшларимизнинг олий таълим билан қамрови эса 9 фоиздан 42 фоизга етди» [1].

Сифатли таълим тизимини яратишда малакали, ўз касбининг фидойиси бўлган педагог-кадрларнинг юрак савиядаги касбий маҳорати ва тажрибаси асосий ролни ўйнаши исбот талаб қилмайдиган ҳодисадир. Бунинг учун эса жамиятда ўқитувчи касбининг ҳурмати ва обриси бошқа соҳалардан юқори бўлиши лозим. Аммо яқин вақтларгача педагоглар жамият ҳаётида ўзларининг муносиб ўрниларига эга бўлмадилар. Натижада иродаси заиф бўлган, ўтиш даврининг қийинчиликларига сабр-қаноат қилолмаганлари бошқа соҳаларга ўтиб кетдилар. Бу ҳолат маълум бир маънода улардаги динимизда устоз-олимларга

бериладиган ажр-мукофотлардан беҳабарлик билан ҳам боғлиқдир, балким.

Маълумки, ислом динида ўқимишсиз кишиларга қараганда илмли ҳамда фозил кишиларнинг ижтимоий мақоми улуғланади. Қуръони карим суралари мазмунининг ўзбек тилига ўгирилиши туфайли, унинг оятларидан бирида «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми» [6; 200], деб хитоб қилинганидан яхши хабардормиз.

Юқорида баён этилган оятдан маълум бўлаяптики, ислом дини аҳкомларига мувофиқ, илмли кишиларнинг мақоми бошқа социал қатлам аъзолариникидан анча юқорида жойлашади. Бу ҳақида оят ва ҳадисларга асосланиб, Имом Ғазоллий ўзининг асарларида батафсил мулоҳаза юритганини эътироф этишимиз мумкин. Жумладан, у «Мужодала» сурасининг 11-оятида «Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларнинг ва илм берилганларнинг даражаларини кўтаради» дейилган ҳукмга ўз эътиборини қаратган [2; 41].

Юқорида баён этилган оят ва ҳадисларда илм-фан аҳамияти ҳақидаги кўрсатмаларнинг Ўрта асарлардан кейинги даврда, мусулмон оламининг олимлари томонидан ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши анча сусайгани туфайли бу соҳа ривожига Ғарб мамлакатларидан тобора ортда қола бошладик. Масалан, ҳозирги давр халқаро статистикасига мурожаат қиладиган бўлсак, қуйидаги аянчли вазият билан рўпара бўламиз.

«Дунё олимлари орасида мусулмонлар бор йўғи 1%ни ташкил қилади. Фақат Исроилнинг ўзидаги олимлар сони бутун мусулмон оламидаги олимлар сонидан кўпдир. Ҳар йили араб мамлакатларида таржима қилинаётган хорижий китобларнинг сони Грециянинг ўзида таржима қилинганлардан беш марта камдир» [5]. Дарвоқе, ҳозирги шароитларда бизнинг мамлакатда ҳам етук олимлар етишмаётгани жиддий тарзда сезилмоқда. Бунинг асосий сабаби юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида кўпчилик юқори малакали олим-педагогларнинг ўтиш даври қийинчиликларига сабр-қаноат қилмасдан, ўз соҳаларини ташлаб, савдо-тижорат йўналишига ўтиб кетганликлари билан боғлиқдир.

Ҳолбуки, кишилар ўз турмуш ҳаражатларини кўтаришга асос бўлаётган

касбларини ўзгартирмасликлари ҳақидаги кўрсатма ислом динида очик-ойдин баён қилинган. Зеро, ҳадисларда таъкидланганидек, «Қайси бирингизга Аллоҳ бир касб сабабли ризқ етказиб турган бўлса, то ўша касбнинг ўзи ўзгармагунча уни ташламанг» [4; 132].

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўртасидан бошлаб жамиятимизда кечган социал стратификация жараёнларида салбий мазмунга эга воқеа содир бўлди. Ҳар замон ва ҳар маконда, айниқса, ислом динида улуғланиб келинган устозлик, яъни ўқитувчилик касбининг социал статуси бошқа касблардан анча паст даражага тушиб қолди. Ҳатто, таниқли олим-педагогларнинг ўғил фарзандлари ўз оталари касбини давом эттиришни хоҳлашмади ва ўқитувчилик билан шуғулланишни ўзларига ор, деб билишлари кузатилди.

Албатта, улар буни очикдан-очик айтишмади, фақат бу ҳолатнинг сабаби сўралганда, гапни моддий етишмовчиликка буришни афзал билиб, яна ўзларича жамиятимизда ўқитувчилик ҳозирда аёлларга хос касб эканлигини исботлашга уринишди. Айрим олим-педагог оталар фарзандларининг бундай ҳаракатларини маъқуллашди. Биз собиқ ҳамкасбларнинг бундай хатти-ҳаракатларини қоралашдан йироқмиз, албатта. Агарда бу зиёлилар ўз мақомлари ислом динида қандай улуғ даражада эканлигини чин юракдан ҳис қилганларида, яъни олимларнинг охиратдаги даражаси дин йўлида ҳалок бўлганларники билан тенглаштирилиши ҳақидаги қуйидаги ҳадисдан яхши хабардор бўлганларида эди, улар ўткинчи моддий неъматларга эришишни илмдан юқори қўйишга қўл урмаган бўлар эдилар. «Қиёмат куни олимларнинг сиёҳлари дин йўлида ҳалок бўлганларнинг қонига тенглаштирилади» [2; 45].

ХУЛОСА

Халқимизда азалдан «устоз отангдек улуғ» деган нақл мавжуд. Бугунги кунда мамлакат раҳбариятининг сазй-ҳаракатлари туфайли профессор-ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнати қадрланаётгани мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган энг ижобий воқеалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг

80-сессиясида бу масала бўйича қуйидаги фикрини илгари сурди: «Энг асосийси – ўқитувчи ва устозлик касбининг обрўси ва нуфузини кескин оширишга ҳал қилувчи масала сифатида қарамоқдамиз» [1].

Масаланинг кун тартибига бундай тарзда қўйилиши бу бежиз эмас. Зеро, давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган оқилона сиёсати туфайли эндиликда иқтисодий аҳволи тобора яхшиланиб, ижтимоий мавқеи кўтарилиб бораётган олим-устозларнинг самарали касбий фаолияти асосида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги ривожланиш даражасини янада юқори савия кўтариш барқарор тарзда таъминланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи. 23.09.2025. // <https://president.uz/uz/lists/view/8525>. Мурожаат санаси: 25.10.2025.
2. Абу Хамид Муҳаммад аль-Газали ат-Туси. Возрождение религиозных наук. Пер. с араб. яз. книги “Ихйа’ ‘улум ад-дин”. В десяти томах. 1-й том, 2-е издание. – Махачкала: «Издательский дом Нуруль иршад», 2011.
3. Макс Вебер. Избранные произведения. – Москва: «Прогресс». 1990.
4. Маърифат – тинчлик асоси / З.Исломов таҳрири остида. – Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2007.
5. Мирский Г.И. Ислам: история и современность. 2010/http://www.hist.msu.ru/Journals/ NNI/pdfs/ Mirskij_2010.pdf.-С.13.
6. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарк». 2012. Бешинчи жуз.